

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК – ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



**“ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ
ЎРНИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

мавзусида Республика миқёсида илмий-амалий конференция
материаллари тўплами

Наманган шаҳри

29-30 март 2019 йил

“Таълим сифатини оширишда инновацион таълим технологияларининг ўрни: муаммо ва ечимлар” мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами

Тўпламга **2019 йил 29-30 март** кунлари институтда ўтказилган **“Таълим сифатини оширишда инновацион таълим технологияларининг ўрни: муаммо ва ечимлар”** мавзусида Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция иштирокчиларининг илмий маъруза материаллари киритилган.

НамМҚИ, 29-30 март, 2019 йил, Наманган шаҳри

Таҳрир хайъати:

т.ф.д. Ш.Ш.Кенжабоев, доц. С.И. Умархонов, доц. Б.Эргашев, доц. Ғ.Шерматов, проф. Ғ. Ғуломов, проф. Ш. Юлдашев, проф. Н.Бойбобоев, проф. М.Исмоилов, проф. В. Хожибоев, т.ф.д. доц. С.Ж.Раззақов, ф-м.ф.д. М.Дадамирзаев, ф-м.ф.д. Ю.Апаков, т.ф.д. проф. И.Шамшидинов, и.ф.д. Б.Махмудов, т.ф.д. Р.Рустамов, т.ф.д. Р.Солиев, т.ф.д. В.Турдалиев, доц. Н.Нарзуллаев, доц. А. Тўхтабоев, т.ф.н. Ж.Холмирзаев, доц. Ш.Абдурахманов, Ф.Ирискулов, Д. Иномиддинова.

Конференция материаллари тўплами Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 2019 йил 2 апрелдаги 10 - сонли Илмий кенгаши Қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

кат.ўқ.И.Б. Нажмиддинов (НамМҚИ)	
МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	249
PhD. Д.А.Абдувахобов (НамМҚИ), PhD. Н.М.Комилов, PhD. М.М.Эргашев (ҚХМИТИ)	
ТИРКАМА ВА ОСМА ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ИШЛОВ БЕРИШ ЧУҚУРЛИГИНИ ЎЛЧАЙДИГАН ВА БИР ЙЎЛА СТАТИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИНИ АНИҚЛАЙДИГАН ҚУРИЛМА	251
dots. J.Muxamedov, PhD. D.A.Abduvahobov, M.B.Madraximova	
UMUMKASBIY FANLARNI O'QITISHDA INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING O'RNI	253
Н.Г. Байбобоев, К.Х.Абдуллаев, Ш.Б. Акбаров, У.Г.Гаипов (НамМҚИ)	
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВЫБОРА КОНСТРУКТИВНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ СХЕМЫ СЕПАРИРУЮЩЕГО РАБОЧЕГО ОРГАНА КАРТОФЕЛЕУБОРОЧНОГО КОМБАЙНА	255
докторант А.Д. Расулов (ҚХМИТИ), Ш.Б. Акбаров(НамМҚИ)	
МОШ ДОНИНИНГ ФИЗИК-МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАСИ	259
доц. Р.М.Ахмедов, ўқит. У.Холмирзаев, ўқит. И.Р.Мамадалиев(НамМҚИ)	
КЛАСТЕР ТИЗИМИДА МАЙШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТАЖРИБАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ	261
ўқ. И.Эгамбердиев, ўқ. Б.Мамадов, талаба И.Хайитмирзаев (НамМҚИ)	
ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИ ОЙНАЛАРИНИ СОЛИШ ИШЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ	264
асс. О.Х.Пўлатова, талаба Х.Абдумуталов (АндМИ)	
БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТНИНГ ЎРНИ	267
ўқит. Д. Рахмонова, талаба З. Омонова (АндМИ)	
ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	268
доц.Х.Хайдарова (АндМИ)	
ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ЁШЛАРНИНГ МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	270
o'qit. B.Yaqubova, talaba N.Parpiyeva (AndMI)	
OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARGA MUSTAQIL TA'LIM BERISH ORQALI IJODIY FIKRLASHGA O'RGATISH –DOLZARB MUAMMO SIFATIDA	272
o'qituvchi U.Goyipov, talaba A.Tursunov (NamMQI)	
MSC ADAMS – DINAMIK TIZIMLARNING VIRTUAL NAMUNALARINI YARATISH UCHUN KOMPLEKS ECHIM	274
доц.Жакбаров О., ўқ.Ғойипов У., талаба Б.Шарифжанов (НамМҚИ)	
MICROSOFT OFFICE 2016 PRO PLUS ДАСТУРИДА ИШЛАШНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МУЛЬТИМЕДИАЛИ ҚЎЛЛАНМА ЯРАТИШ	276
М. То'xtasinov (Namangan XTXQТМОИМ)	
TARIX TA'LIMIGA INNOVATSION PEDAGOGIK YONDASHUV	278
М.Х.Усмонова (НамДУ ҳузуридаги ХТХҚТМОҲМ)	
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ	280
доц.Н.Р.Ходжиев, асс.А.Ш.Мартазаев, асс.К.К.Муминов (НамМСИ)	
ГРАФИЧЕСКОЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЕ НЕЛИНЕЙНЫХ ЗАВИСИМОСТЕЙ РАБОТЫ КИНЕМАТИЧЕСКИХ ФУНДАМЕНТОВ	282
доц.Ш.А.Хакимов, к.ўқ.Б.Мақсуд ўғли, талаба С.Хакимов (НамМҚИ)	
ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ	285

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТНИНГ ЎРНИ

асс. О.Х.Пўлатова, талаба Х.Абдумуталов (АндМИ)

Бўлажак муҳандис педагогларнинг касбий компетентлиги самарали мулоқотни шакллантириш алоҳида олинган бирор бир лаёқатлилиқ даражасини эмас, балки инсон томонидан шахсий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш учун сарф қилинадиган узоқ вақт давомида турли хилдаги вазиятларда намоён қилинадиган компетентликларнинг тўлиқ тўпламини назарда тутиш керак бўлади. Компетентликнинг мавжудлиги инсон мулоқотининг натижасига қараб аниқланади. Ҳар бир мутахассиснинг компетентлилиқ даражаси, унинг бажарган иши шу касбий фаолиятнинг якуний натижасига қўйиладиган талабларга қай даражада жавоб бериб мулоқотига қараб белгиланади. Компетентлик-касбий тайёргарликнинг умуман янги сифати бўлиб, унинг ўзига хос томонлари шуки, компетентли мутахассиснинг билимлари ва ҳаракатчан бўлиб, улар доимо янгиланиб туради. Муаммонинг мазмунини тушунишнинг ўзи етарли бўлмай, уни мақбул усуллар билан еча билиш керак, шу билан бирга, компетентлик мақбул ечимларни танлай билиш, қарорни асослаб бера олиш, нотўғри йўللарни чиқариб ташлаш, яъни танқидий фикрлай олишни тақазо этади.

Касбий компетенцияларни баҳолаш методикасига кўра мулоқотни амалга ошириш ишончлилиқ ва етарлилиқ принципларига мувофиқ бўлиши керак. Ишончлилиқ – мулоқотни бевосита баҳолаш объектига, яъни баҳоланаётган компетенция элементига тегишли бўлиши керак. Етарлилиқ-мулоқот компетенциянинг баҳоланаётган элементлари намоён бўладиган фаолиятнинг муҳим жиҳатларини кўрсатиш учун етарли миқдордаги далиллардан фойдаланиш зарур. Мулоқотда аниқ ва тушунарли параметрларга асосланган, касбий вазифаларни ҳал этиш натижаларини белгилайдиган атамалар орқали ифодаланиши ва компетенцияларнинг сифати, яъни ўзлаштирилганлигини билдирувчи аниқ хулосаларга асосланиши каби мезонларга мувофиқ равишда амалга оширилиши керак.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини баҳолашда асосий эътиборни компетенцияларнинг алоҳида элементлари мавжудлигига эмас, касбий вазифаларни ҳал эта олиш лаёқатларини намоён қила билишга қаратиш лозим. Баҳолаш учун бериладиган топшириқларни реал касбий вазифаларни ҳамда, ана шу нуқтаи назардан олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқотга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришда қуйидаги илмий-амалий таклифларни белгилаб беради.

Жумладан;

- Жаҳон андозаларга асосланган коммуникатив технологияларни такомиллаштириш;
- самарали мулоқотга тайёрлашда миллий ва илғор хорижий тажрибанинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

- мулоқот жараёнида юзага келадиган манипулятив хулқ-атворни бартараф этишнинг профилактик технологияларини такомиллаштириш.
- талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг мезонлари ҳамда вербал ва невербал мулоқот воситаларининг ахлоқий-эстетик хусусиятларини аниқлаш;
- талабаларни самарали мулоқотга тайёрлашнинг аниқ мақсадга йўналтирилган локал модулли технологиясини ишлаб чиқиш;
- олий таълим муассасалари талабаларини самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ва унинг ташкилий-технологик ва натижавий-рефлексив компонентларини такомиллаштириш;
- талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашда аудиториядан ташқари машғулотларнинг аксиологик ва акмеологик имкониятларини очиб бериш;
- талабаларни самарали мулоқотга тайёрлашга доир илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

Талабалар билан мулоқотда “Олтин сўзлар” усулини қўллаш яхши самара беради.. Олтин сўзларнинг синоними-бу “ажойиб”, “бебаҳо” каби сўзлар. Масалан, “сиз бошқалар кўролмайдиган нарсаларни кўра оласиз!”, “сиз билан мулоқотда бўлган киши кўп нарсаларни билиб олиши мумкин!”. Бу сўзлар улар учун “олтин сўз”лар бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда таълим муассасаларда фаолият кўрсатаётган педагоглар олдига талаба - ёшларни маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг онгига миллий ғоя асосларини сингдириш, ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, ўтмиш ва буюк келажак ҳақида фикрлаш, у билан фахрланиш ҳиссини, янги тафаккурни шакллантириш билан биргаликда уларни фаол, замонавий мулоқот маданиятига ўргатиш вазифаси турганлигини ва касб таълими ислохотларини амалга оширишда бўлажак муҳандис педагогларнинг касбий компетентлигини оширишда мулоқотнинг самарали йўллари ишлаб чиқиш ва таълим-тарбия жараёнида маҳорат билан қўллай олиш ҳар бир олий таълим педагогларининг олдига қўйган буюк мақсадига айланиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. П.И. Иванов, М.Э. Зуфарова. Умумий психология. Дарслик. “Ўзбекистон файласуфлари» миллий жамияти нашриёти, 2008. -480бет.
2. В. Каримова. Психология.Ўқув қўлланма –Т.: “А. Қодирий” номли нашриёти, 2002. -203 бет.

ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

ўқит. Д. Рахмонова, талаба З. Омонова (АндМИ)

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик